

## ДАВЛАТ ХУСУСИЙ ШЕРИКЧИЛИК ТИЗИМИ АСОСИДА АГРОСЕРВИС ХИЗМАТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

**Фарход Озодович Абдуллаев**

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқарув академияси  
Хоразм вилояти ҳудудий филиали директори, и.ф.н., доцент

[farhodeconomy@mail.ru](mailto:farhodeconomy@mail.ru)

**Дилшод Тухтабаевич Худайбергенов**

Урганч давлат университети Иқтисодиёт факультети Туризм ва меҳмонхона  
хўжалигини бошқариш кафедраси доценти, и.ф.н.

[dilshodx@bk.ru](mailto:dilshodx@bk.ru)

### АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада давлат хусусий шерикчилик тизими асосида республикамизда хизмат кўрсатувчи корхоналар томонидан кўрсатиладиган агросервис хизматлари ва уларни самарали ривожлантириш йўналишлари таҳлил қилиниб, уларни изчил амалга ошириш юзасидан таклифлар ва тавсиялар берилган.

Шунингдек, ушбу янги тизим асосида келажакда агросервис хизматларини ривожлантиришнинг имкониятлари ҳам ёритилган.

**Калит сўзлар:** Иқтисодиёт, қишлоқ хўжалиги, агросервис, давлат-хусусий шерикчилиги, фермер хўжаликлари, боғдорчилик, сабзавотчилик, лизинг, хизмат, шартнома.

## DIRECTIONS OF DEVELOPMENT OF AGROSERVICE ON THE BASIS OF PUBLIC PRIVATE PARTNERSHIP SYSTEM

### ABSTRACT

This article analyzes the agroservice services provided by service enterprises in the country on the basis of public-private partnership system and the directions of their effective development and makes suggestions and recommendations for their consistent implementation.

The opportunities for further development of agroservice services on the basis of this new system are also highlighted.

**Keywords:** Economy, agriculture, agroservice, public-private partnership, farms, horticulture, vegetable growing, leasing, service, contract.

## КИРИШ

Бугунги кунда муҳим устувор йўналиш бўлиб иқтисодиёт тармоқларини янги йўналиш ва усул орқали ислоҳ қилиш ҳисобланади. Хусусан, бунга республика иқтисодиётини эркинлаштириш ва модернизациялаш хос бўлиб, ушбу шароитда аграр секторнинг тизимли ва узлуксиз тараққиётини таъминлаш муҳим вазифа бўлиб қаралади. Бу эса қишлоқ хўжалиги корхоналари ҳисобланган фермер ва деҳқон хўжаликларида ишлаб чиқариш жараёнини самарали ташкил этиш ва изчил фаолият юритишига кўмак берувчи ҳамда уларга турли хизматлар кўрсатувчи агросервис субъектларини кўпайтириш ва ривожлантиришни тақозо қилади. Мазкур вазифанинг янги ёндашувларга асосланиб, хизмат турларини ривожлантириш ҳисобланади. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти таъкидлаганидек: “Бир нарсани аниқ тушуниш лозим - хизматлар соҳасини ривожлантириш учун ҳар бир ҳудудга алоҳида ёндашув зарур” [1].

Дарҳақиқат, янги ёндашув асосида давлат-хусусий шерикчилик тизимини жорий қилиш ҳисобланади. Давлат-хусусий шерикчилиги, жумладан концессиялар соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш мақсадида 2019 йил 10 майда 537-сонли Ўзбекистон Республикасининг “Давлат-хусусий шериклик тўғрисида”ги қонуни [2] қабул қилинди. Мазкур қонунга келтирилишича, давлат-хусусий шериклик - давлат шериги ва хусусий шерикнинг муайян муддатга юридик жиҳатдан расмийлаштирилган, давлат-хусусий шериклик лойиҳасини амалга ошириш учун ўз ресурсларини бирлаштиришига асосланган ҳамкорлик, деб изоҳланади. Яъни, бу орқали давлат-хусусий шерикчилигини ривожлантириш мумкин бўлади.

## АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Тадқиқотда кузатиш, қиёсий таҳлил, синтез, контент таҳлил, тизимли ёндашув каби усуллардан фойдаланилди.

Аввало, агросервис хизматларини ривожлантириш бугунги кун талаби бўлиб, бу борада республикаимиз олимларидан Қ.Д.Мирзаев қуйидагича таъкидлайди: “Агросервис хизматлари - бозор иқтисодиёти шароитида аграр соҳа тизимида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш эҳтиёжларини қондиришга қаратилган, шу жараёнда замонавий техника ва технологияларга асосланган ҳолда истеъмолчилар талаб ва таклифларини ўзаро уйғунликда шакллантирувчи ҳамда уни амалга ошириш даврида даромад келтиришга

йўналтирилган мақсадга мувофиқ фаолиятлар мажмуидир” [3]. Мазкур таърифга асосан, агросервис хизматлари истеъмолчиларнинг эҳтиёжларини қондиришга қаратилган бўлиб, уни мақсадга мувофиқ амалга ошириш учун янги тизим зарур бўлиб, бу ўз навбатида ушбу муносабатларни амалга оширишда давлат ва тадбиркорларнинг фаолигини биргаликда ташкил қилиш ҳисобланади. Ушбу муносабат давлат-хусусий шерикчилик муносабатларини юзага келтиради.

Давлат-хусусий шерикчилик муносабатлари тушунчасининг моҳиятини англаб олишда Louis Witters, Revital Marom, Kurt Steinert, E. Yescombe, Б.Сазонов, Н.Степанова, Е.Махортов, А.Семченков, М.Дерябина ва Е.Дынинларнинг тадқиқотлари муҳим манба бўлиб хизмат қилади. Уларнинг изланишларида давлат-хусусий шерикчилик муносабатларининг мазмун-моҳияти, келиб чиқиши ва ушбу шерикчилик муносабатлари доирасидаги механизмлар тадқиқ этилган.

ДХШ турли ташкилотлари ва мутахассислар томонидан турлича талқин қилганлар. Жумладан, БМТ томонидан “ДХШ – давлат сектори томонидан ишлаб чиқарилувчи ва тақдим этилувчи хизматларни молиялаштириш, режалаштириш, амалга ошириш ва объектлардан фойдаланиш узоқ муддатли тақдим қилинишини таъминлаш, рискларни хусусий инвесторга ўтказиш, давлат ва маҳаллий тузилмалар билан юридик шахсларнинг кўп қиррали узоқ муддатли шартнома шакллари амалга ошириш билан фарқланади”, деб таъриф берилган [4].

Олимлардан У.И.Джуманиязов қуйидагича таърифлайди: “Давлат-хусусий шерикчилиги - амалдаги қонунлар доирасида давлатнинг узоқ муддатли стратегик вазифа ва мақсадларидан келиб чиққан ҳолда юзага келиши мумкин бўлган турли хил иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, маданий ва бошқа таваккалчиликлар, хавф-хатарлар, рискларни тақсимлаш асосида хусусий сектор билан аҳоли учун ўта ижтимоий-иқтисодий, сиёсий аҳамиятга молик объектларни куриш ёки шу аснодаги ижтимоий хизматларни кўрсатиш учун хусусий сектор билан амалга оширадиган том маънодаги ўзаро манфаатли алоқаларидир”. [5] Шу боис, давлат хусусий шерикчилик тизими асосида ҳар бир хизматларни ривожлантириш муҳим вазифа бўлиб ҳисобланади.

## МУҲОКАМА

Бугунги кунда давлат хусусий шерикчилик тизими асосида қишлоқ хўжалигининг замонавий кўринишларидан бири бўлган агросервис хизматларини ривожлантиришдир. Сабаби қишлоқ хўжалигида такрор ишлаб чиқариш жараёнларини узлуксиз амалга ошириш ва тармоқни интенсив ривожлантиришда юқори унумли замонавий машиналар, техника воситалари, асбоб-ускуналар ва бошқа ишлаб чиқариш воситалари муҳим аҳамият касб этади. Шу боисдан ҳам, ушбу тармоқни барқарор суръатлар билан ривожлантириш учун унинг техника базасини янада юксалтиришга жиддий эътибор қаратиш лозим.

Ҳозирги кунда давлат-хусусий шерикчилик тизимини шакллантириш мақсадида фермер хўжаликларининг техника воситаларини сотиб олишга бўлган эҳтиёжларини қондириш агросервис хизматларини амалга ошириш омили бўлиб ҳисобланади. Ушбу жараён қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиш олиш борасида қуйидаги йўналишлар ёки агросервис хизматларини кўрсатиш орқали таъминланади (1-расм):

шартномалар орқали ишлаб чиқарувчи корхоналаридан сотиб олиш

- воситачи таъминот-савдо корхоналари орқали сотиб олиш

лизинг асосида сотиб олиш

- биржа савдолари орқали эскирган техника воситаларини сотиб олиш

### 1-расм. Фермер хўжаликларининг агросервис хизматларини кўрсатиш асосида уларнинг эҳтиёжларини қондириш<sup>1</sup>

Ушбу расмга асосан, фермер хўжаликларининг техника воситаларини сотиб олишга бўлган эҳтиёжларини максимал қондириш учун агросервис хизматларини изчил равишда ташкил этиш лозим. Чунки, кўпчилик фермер хўжаликлари техника воситаларига эга бўлиш ва улардан самарали фойдаланишни хоҳлайдилар. Бунинг асосий сабаби сифатида кўп харажат қилмасдан, қишлоқ хўжалиги экинларини белгиланган агротехника

<sup>1</sup>Муаллифлар ишланмалари

муддатларига кўра сифатли ишлов бериш, моддий ресурслар ва тайёр маҳсулотларни керакли жойга етказиб беришдир. Бунинг учун республикамизда турли фаолият юритишга ихтисослашган фермер хўжаликларининг ер майдонларини кенгайтириш ҳамда уларнинг барқарор суръатлар асосида ривожланишига шарт-шароитлар яратиш лозим. Бу орқали моддий-техника воситалари билан таъминлашга эришилади.

Шунингдек, республикамизда боғдорчилик, узумчилик ва сабзавотчиликка ихтисослашган фермер хўжаликларининг республикамиз ҳудудлари бўйича ер майдони улуши тақсимланиши ва улар майдонига қараб техника етказиб беришни тақозо этади. Бунинг учун давлат хусусий шериклик тизимининг янги шакли лизинг усули ёки фаолияти бўлиб ҳисобланади.

Сўнгги йилларда республикамизда боғдорчилик ва сабзавотчиликка ихтисослашган хўжаликларга лизинг асосида техникалар етказиб бериш бўйича етарли ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, бу борада республиканинг ички имкониятлари ва хорижий инвестицияларга кенг таянилиб, турли қувватга эга бўлган универсал, махсус тракторлар ва машиналарни серияли ишлаб чиқариш муҳим масала бўлиб ҳисобланади. Бунинг учун қишлоқ хўжалигига юқори унумли, замонавий ва ресурс тежовчи техникаларни жалб этиш ҳамда бу борада хориж компаниялари билан ҳамкорлик қилиш талаб этилади.

Лизинг бозорида мавжуд муаммолар сақланиб қолган бўлса-да, мамлакатимизда лизинг бозорини ривожлантиришнинг кейинги вазифалари ва устувор йўналишлари аниқ белгилаб олинган. Хусусан, 2020 йил якунлари бўйича республика лизинг хизматлари бозорида 48 та лизинг берувчи фаол равишда лизинг фаолияти билан шуғулланган бўлиб, улардан 18 таси банклар ташкил этади. Ҳисобот даврида лизинг операцияларининг жами умумий портфели 5 трлн. 673 млрд. сўмни ташкил этди. Ҳисобот даврида лизинг берувчилар томонидан 5875 янги лизинг битимларини тузилди, уларнинг ҳажми 1 трлн. 852 млрд. сўмни ташкил этди ва бу эса ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 33,7 фоизга ёки 943,2 млрд. сўмга кам кўрсаткичга тенг бўлди [6].

Пандемиянинг асосий таъсири ва мажбуран қабул қилинган карантин чоралари лизинг компаниялари фаолиятига ҳам таъсир қилди. Яъни, муҳим аҳамиятга эга бўлган корхоналардан ташқари кўпгина корхоналар ўз ишларини вақтинча тўхтатиб туришди. Охир-оқибатда, аҳолининг сотиб олиш қобилияти пасайиб, экспорт ва импорт пасайиб кетди. Натижада, лизинг компанияларининг кўплаб мижозлари тўловларни кечиктира бошладилар,

уларни кечиктиришларни ва жадвалларни қайта тузишни талаб қилдилар. Айниқса, иқтисодийнинг транспорт, туризм, умумий овқатланиш, қурилиш каби COVID-19 таъсир қилган соҳаларида лизинг хизматларига талаб камайди. Амалдаги лойиҳалардан тушумларнинг пасайиши 2020 йилда янги режалаштирилган лизинг лойиҳаларини амалга оширишга салбий таъсир кўрсатди.

2020 йилнинг якунларига кўра, қишлоқ хўжалиги техникаси лизингга берилган объектлар орасида етакчи ўринни эгаллади ва унинг лизинг операцияларининг умумий таркибидаги улуши 45,5 фоизни ташкил этди. Ундан кейин 21,4 фоизни ташкил этган технологик ускуналарнинг улуши ва 20,2 фоизни ташкил этган автотранспорт воситаларининг улуши келади. Ушбу йил давомида лизинг компаниялари орасида “O'zagrolizing” АЖ (723,2 млрд. сўм), “Uzbek Leasing International A.O.” АЖ ҚК (169,8 млрд. сўм), “Kamaz Asia Leasing” МЧЖ ҚК (121,3 млрд. сўм), “O'zavtosanoat-Leasing” МЧЖ ЛК (120,9 млрд. сўм) ва “Asaka-Trans-Leasing” МЧЖ ЛК (107,4 млрд. сўм) бозорнинг энг йирик иштирокчилари бўлишди [6]. Бу эса соғлом рақобат сервис хизмати кўрсатувчи корхоналарнинг ривожланиб бораётганлигини кўрсатади.

Давлат-хусусий шерикчилиги асосида агросервис корхоналарини иқтисодий ривожлантиришда уларга бир қатор имкониятлар яратилади. Хусусан, бугунги кунда давлат-хусусий шерикчилиги асосида ташкил этилган агросервис кўрсатадиган корхоналарга солиқ тўлашдан имтиёзлар берилиши лозим. Ҳамда қишлоқ хўжалиги техникаларини сотиб олиш учун лизингнинг кредит ресурсларини кўпайтириш мақсадида хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш лозим. Бунда давлат-хусусий шерикчилиги асосида агротехник хизматни ташкил этиш тўғрисидаги низомни ҳам ишлаб чиқиш лозим.

Шунингдек, агросервис хизматини кўрсатувчи корхоналарнинг молиявий фаолиятини янада кўллаб-қувватлаш лозим бўлиб, бунинг учун улар инвестицияларни ўзларига жалб қилиш мақсадида қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш лозим:

- иқтисодий фаолиятни амалга оширишда уларнинг фаолиятига аралашув тизимини қатъий ман қилиш;
- корхоналарнинг мол-мулкни хусусийлаштириш ва уларни сабабсиз ўзлаштирилишидан ҳимоялаш;
- лойиҳага киритилган инвестициялар, улардан олинадиган даромадга эркин эгалик қилиш, фойдаланиш ва ихтиёрий тасарруф қилиш;

- битимларга асосан агросервис фаолиятига салбий таъсир қиладиган ҳолатларни қайта кўриб чиқиш.

## НАТИЖАЛАР

Юқорида амалга ошириладиган чора-тадбирлардан келиб чиқиб, давлат-хусусий шерикчилиги асосида агросервис хизматларини кўрсатувчи фермер хўжаликларга қуйидаги афзалликларни яратиш беради:

- сотиб олинаётган техниканинг қийматини узок муддат давомида бўлиб-бўлиб тўлаш;

- бирнинг вақтининг ўзида замонавий техника ва технологияларни жалб қилиш мумкинлиги;

- техника ва ускуналар учун лизинг тўловларини ундан олинадиган даромад ҳисобидан қоплаш;

- техника ва ускуналарни тўлиқ қиймат бўйича сотиб олмаслигини айланма маблағларни озод қилиш;

- лизингга олинган техника воситаларини кафолат муддати давомида баргараф қилиш.

## ХУЛОСА

Ҳозирги кунда фермерларнинг техникага бўлган талабини қондириш улар билан ҳамкорлик қилишнинг янги йўналиши бўлиб ҳисобланади. Бу борада фермерлар техникадан ўзаро ҳамкорликда фойдаланиш асосида уюшиб фаолият кўрсатадилар. Ушбу жараёни амалга оширишда давлат қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари учун лизингни инвестиция компаниялари орқали молиялаштиради, лизинг хизматлари бозорида соғлом рақобатни сақлаб қолади ва ўз фаолиятини янада кўллаб-қувватлайди. Ушбу муносабат давлат хусусий шерикчилик тизими асосида ташкил этилади ва улар ўз навбатида агросервис хизматларини ривожлантиришни тақозо қилади. Бу борада ушбу тизим асосида агросервис хизматларини ривожлантиришни янада такомиллаштириш учун лизинг хизматлари турини янада кўпайтириш ва лизинг корхоналарининг маҳсулот етиштиришдани фаол иштирокини янада жадаллаштириш зарур.

Умуман олганда, қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларга ўз вақтида ва сифатли механизация хизматларини кўрсатиш, лизингни ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, давлат-хусусий шериклик

асосида аграр тармоқни янгилаш ва техник модернизациялаш мақсадида давлат-хусусий шериклик асосида агротехник сервис хизматларини ташкил этиш мақсадга мувофиқ. Бунинг учун давлат томонидан куйидаги йўналишлардаги чора-тадбирларни амалга ошириш лозим:

- доий мониторинг ўтказиш, агросервис хизматлар миқдорини аниқлаш ва давлат инвестицияларига эҳтиёжни ҳисоб-китоб қилиш;
- агросервис асосида фаолият кўрсатиш учун бино, иншоотлар, ускуналар ва станоклар миқдорини ҳисоб-китоб қилиш;
- танлов ва тендерлар ўтказиш орқали давлат-хусусий шерикчилиги асосида агротехник хизматларни яратиш бўйича ишларни ташкил этиш;
- давлат-хусусий шерикчилиги асосида ташкил этилган агросервис учун механизация хизматларнинг қийматини аниқлаш;
- давлат-хусусий шерикчилиги асосида фойдаланилмаётган бинолар, ишлаб чиқариш майдонлари, таъмирлаш устахоналари ускуна ва жиҳозлари, гаражлардан фойдаланиш имкониятини қайта кўриб чиқиш;
- агросервис хизматларини инфраструктура хизматларининг турлари билан таъминлаш.

## REFERENCES

1. [https://uza.uz/ru/posts/prezident-hizmatlar-sohasini-rivozhlantirish-uchun-har-bir-hududga-alohida-yondashuv-zarur\\_329377?q=%2Fposts%2Fprezident-hizmatlar-sohasini-rivozhlantirish-uchun-har-bir-hududga-alohida-yondashuv-zarur\\_329377](https://uza.uz/ru/posts/prezident-hizmatlar-sohasini-rivozhlantirish-uchun-har-bir-hududga-alohida-yondashuv-zarur_329377?q=%2Fposts%2Fprezident-hizmatlar-sohasini-rivozhlantirish-uchun-har-bir-hududga-alohida-yondashuv-zarur_329377)
2. <https://lex.uz/docs/4329270>
3. Мирзаев К.Д. Агросервис хизматлари самарадорлигини оширишнинг методологик асослари. Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Самарқанд: СамИСИ, 2012. – 48 б.
4. Балиев А. Выгода делится на пять. // «Российская Бизнес-газета» - Государственно-частное партнерство. № 958 (29) от 29 июля 2014 г. URL: <http://www.rg.ru /2014/07/29/opit.html>.
5. Джуманиязов У.И. Давлат-хусусий шерикчилиги асосида уй-жой қурилиши соҳасида корпоратив бошқарув механизмларини такомиллаштириш. Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Тошкент: ТДИУ, 2017. – 57 б.
6. <http://uzbekleasing.uz/uz/about/news/3758/>